

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ ҚАДИМГИ КОНЧИЛИК МАНЗИЛГОҲЛАРИ

Рустам Мардонович ҚАРШИЕВ

доцент

тарих фанлари номзоди
Навоий давлат университети
Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Учтут, Ақчобсой конларида кончилик ишларининг ривожланиш тарихи, Сармишсой қоясидаги битиклар, шунингдек Сангбур қалъасида яшаган аҳоли ҳақида ёритилган.

Таянч сўзлар: кончилик ишлари, Учтут ва Ақчобсой конлари, Сангбур қалъаси, Сармишсой, қоядаги битиклар.

ДРЕВНЫЕ ГОРНОДОБЫВАЮЩИЕ МЕСТОРОЖДЕНИЯ НАВОЙСКОЙ ОБЛАСТИ

Рустам Мардонович ҚАРШИЕВ

доцент

Кандидат исторических наук
Навоийский государственный университет
Навои, Узбекистан

Аннотация

В статье освещена история развития горнодобывающих работ в месторождениях Учтут, Акчабсай, наскальные надписи Сармишсая, а также населения крепости Сангбур.

Ключевые слова: горнодобывающие работы, месторождения Учтут и Акчабсай, Сармишсая, наскальные надписи, крепость Сангбур.

Ўзбекистоннинг “олтин сандиғи” бўлмиш, Навоий вилояти майдонининг асосий қисми бепоён ва бойликларга кон Қизилқум саҳросига тўғри келади. Қизилқум – Евроосиёнинг энг йирик саҳроларидан бири ҳисобланиб, шимолда Орол денгизи соҳилидан, жанубда Зарафшон дарёси ёнидаги тор фаровон воҳасигача чўзилган. Бу йирик ҳудуд катталиги 300 минг кв. км.га тенг бўлиб, шарқ ва ғарб томондан Марказий Осиёнинг улкан дарёлари – Сирдарё ва Амударё билан чегарадош.

Қадим Суғдиёна минтақасида жойлашган ҳозирги Навбаҳор тумани ҳудуди бой тарихи билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳудуд Марказий Осиёда палеолит даврининг ўрта ва сўнгги босқичи (мил.авв. 100–40–12 минг

йилликлар) даврлари ибтидоий одамлар ҳаётида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан биргаликда маданий соҳадаги ўзгаришлар юз бериши натижасида инсоният цивилизациясининг муҳим ўчоқларидан бирига айланди. Бундай тамаддун ўчоқлари қулай табиий географик шароити ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун хом ашё ресурслари сероб бўлган минтақаларда анъанавий ўзлаштирувчи ҳўжалик шароитида ҳам техникавий кашфиётлар қилганлар.

Ана шундай кашфиётлардан бири Қоратоғнинг жанубий ёнбағирларида Учтут қишлоғида амалга оширилган. Бу ерда 1958 йил Х.Мухаммедов, 1959 йил А.Окладников, 1958–1966 йилларда М.Қосимов, Т.Мирсоатов раҳбарлигида қазилма ишлари олиб борилади. А.Мухаммаджоновнинг таъкидлашича, бу қадимий ҳудудда аҳоли ўрта тош даври босқичидан бошлаб яшаб келган. Бунга далил тариқасида Учтут манзилгоҳида топиб текширилган ўрта тош даври чакмоқтош синдириб олинган. Хом ашё кони-сангбур, тош қуроллар устахонаси ва ибтидоий одамлар макони ҳамда янги тош (неолит) даврида чакмоқтош бўлаклари қовлаб олинган. Энг қадимги макон “Учтут шахтаси” нинг ўрни ва лаҳмларини келтириш мумкин [3].

Қизилқум қончилик саноати тарихининг ўтмишига назар солсак, айнан Навоий вилоятида қончилик ишлари қадимдан вужудга келган, деган ҳулосага келишимиз мумкин.

Навоий вилояти Учтут қишлоғи яқинида ноёб чакмоқтош қонлари топиб ўрганилган. Уни академик Я.Ғуломов раҳбарлигидаги экспедиция 1958 йилда топган эди. Кейинчалик унинг шогирдлари М.Қосимов, Т.Мирсоатов, У.Исломовлар атрофлича ўрганишиб, ўтмиш тарихга доир муҳим илмий маълумотлар тўпладилар ва тегишли ҳулосалар яратилди. Олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қондан одамлар илк палеолит давридан бошлаб, бутун тош даври давомида узлуксиз фойдаланилганлиги маълум бўлди.

1958 йилда археолог олим М.Қосимов олиб борган изланишлари натижасида Учтут қишлоғи яқинида чакмоқтош устахонаси ва чакмоқтош хом ашёси “қонлари”ни кашф этди. У ўрта ва сўнгги палеолитнинг сўнгги

босқичига доир чақмоқтош парраклари ва учқунлари топиб тадқиқот ишларини бошлаб берди. М.Қосимов Т.Мирсоатов билан биргаликда тадқиқот ишларини давом эттириб, 1958–1961 йилларда 13 та шахтани очадилар.

Учтут чақмоқтош кони захирасининг умумий майдони 8000 м² бўлиб, шундан ҳозиргача 1000 м² казиб ўрганилган ва 32 та чақмоқтош конлари очилган. Бу ерда ўра, хандак, шахта, тўла йўсиндаги конлар очилган. Айримларининг чуқурлиги 5,5 метргача боради. Конларнинг тупроқли деворларида буғунинг курак суяги, ёғоч қуролларнинг излари, шахталар ичидан эса учи силлиқланган ва ишлатилган ҳайвон шохлари топилган.

Ушбу манзилгоҳ нафақат водий тарихи, балки мамлакатнинг кўхна тарихи нақадар қадимийлигини исботлаб турувчи тамаддун ўчоғи сифатида намоён бўлиб тургани учун 1967 йилдан бошлаб шахта қазииш ишлари янги усул билан олиб борилди.

Умуман, конлардан 35 хил тош ҳамда ҳайвон шохидан ясалган қуроллар топилган бўлиб, бу ашёлар қадимда одамларнинг конлардан узоқ муддат давомида хом ашё сифатида фойдаланганлигидан гувоҳлик беради.

Шахта чуқурларидан йирик тош бўлакларини ажратиб ташқарига чиқариш ишларида ҳайвон териларидан қилинган қоп ва замбиллардан, йирик тошларни парчалашда оловдан ҳам фойдаланилган. Қиздирилган тошга сув пуркалса, осон парчаланган. Сўнгра нам тортган чақмоқтош мўртроқ бўлиб, қурол яшаш учун осон кечган. Бу кашфиёт профессор А.Семёнов ва унинг шогирдлари Г.Коропкова ва Т.Мирсоатовлар томонидан чақмоқтошдан қурол яшашда бир неча бор экспериментал тажрибалар ўтказилиб, ибтидоий қуролсозлар кашфиёти синаб кўрилган [2].

Бу қадимий манзилгоҳда аجدодларимиз кончилик ишлари учун махсус мосламаларни табиатнинг ўзидан олишган. Яъни, ер қазииш ишларини тош болғалар, ҳайвон шохлари, дўлана ёғочидан ишланган қуроллар ёрдамида бажаришганини тадқиқот ишлари олиб борилган қазиишма майдонларидан

топилган ёғоч ва шох “кирка”ларнинг қолдиқлари исботлаб турибди. Кон ишлари учун тош, ёғоч ва шохлардан ясалган махсус чўкич, ўйғичлар воситаси билан ўралар қазилиб, тубидан чақмоқтош бўлаклариини ковлаб олинган. Учтут шахталари асосан, неолит даврига тегишли бўлиб, уларнинг 100 дан ортиқ излари Учтут қишлоғи яқинида Вовуш қоялари остида ҳосил бўлган неоген қатлами майдонида бизгача сақланиб қолган [2].

Қадимги одамлар кон яқинида чақмоқтошлардан қуроллар ясайдиган устахоналар вужудга келтиришган.

Шунингдек, Қизилқумда геолог ва археологлар томонидан бронза ва темир эритишга мўлжалланган ибтидоий қозон ўчоқлар топилган. Бу топилмалар эрамизгача бўлган иккинчи ва биринчи минг йилликларга тегишлидир. Бу ота-боболаримиз яхшигина металсоз бўлганлигини билдиради ҳамда улар ерости бойликлари ҳақида етарлича хабардор бўлиб, кон ишлари бўйича зарур кўникмага эга бўлганлар.

Топилганлар ичидан кўплаб шахталарни археологлар қазиш ишлари туфайли аниқладилар. Қадимги кончилар томонидан қолдириб кетилган тоғ-кон асбоб-ускуналари, қозиксимон учли тошлар, катта тошболталар, кийик ва буқа шохларидан қилинган киркалар Учтут шахталарининг ёшини аниқлашга ёрдан берди. Қадимги “Учтут шахталари” неолит даврига – бундан 6–4 минг йилги даврга тўғри келади.

Таниқли мутахассис олим С.А.Семёнов тадқиқот ишларини олиб бориб, ўн саккиз соат ичида тош қуроллар билан чуқурлиги 170–190см, диаметри 90см бўлган қудуқ қазиш мумкин эканлигини исботлади. Шохдан қилинган асбоб билан эса, саккиз соат ичида 230–240см келадиган, диаметри 120см ли қудуқ қазиш мумкин эканлигини тасдиқлади. Ёғочдан қилинган қуроллар билан эса бундай қудуқни етти соат ичида қазиши мумкин.

Учтут қазилма кони ўтмишда кўп минг йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳудудининг кўпгина минтақаларини таъминлаб турган деган хулосага келиш мумкин.

Шундай қилиб, Зарафшон водийсининг Учтут қишлоғи яқинида олиб

борилган археологик қазишма ишлари давомида янги соҳа – тоғ саноати билан боғлиқ хомашё ишлаб чиқариш объектлари очилган.

Учтут қадимий шахталари мажуининг топилиши ва тадқиқ этилиши олимларимизга ўлкамизнинг, хусусан Навоий вилояти Навбаҳор туманининг аввал маълум бўлмаган қадимги тарихи ҳақидаги маълумотларни аниқлашга имкон беради [4].

Навоий шахридан унча узок бўлмаган масофада тахминан беш-олти километр жануб томонда қадимий кончилар манзилгоҳи Сангбур қалъаси мавжуд. Сангбур Зарафшон водийсининг таянч истеҳкомларидан бири бўлиб хизмат қилган. У водийга ўтиш жойида уни чўл томондан ҳимоя қилган. Қалъа муҳим, ҳал қилувчи ўрин эгаллаган. Овал шаклидаги қалъа шимолдан жанубгача чўзилган бўлиб, унинг узунлиги 14 метр атрофида, шарқдан ғарбгача деворларининг сиртки томонидан ҳисоблаганда 4 метр атрофида бўлган. Марказий қўрғоннинг кенглиги 5 м атрофида бўлган. Қалъанинг пастида унчалик баланд бўлмаган тепаликда шаҳар жойлашган.

Сангбур – қадимий сўз бўлиб, “санг” – тош, “бур” эса синдириш, ажратиш маъноларини англатади. Сангбур аҳолиси тоғ-кон ишлари билан шуғулланган, тош конларида меҳнат қилишган, тошдан алмашиш ва сотиш учун идишлар ясашган, тегирмон тошларини тарошлаган. Шаҳар аҳолиси яқин атрофда жойлашган тоғ мажмуасида ишлаган қалъадан сал шарқ томонда тош конлари жойлашган бўлиб, ундаги тоғ жинсларидан кеч ўрта асрларгача тошболта, чўкичлар, дон янчигичлар, найза учлари ва бошқа жиҳозлар тайёрланган. Аҳоли кулолчилик маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарган.

Зарафшон дарёси водийсида қадимдан олтин қазиб чиқарилган. Зарафшон – форсча “олтин сочувчи” деган маънони англатади. Қадимда Зарафшон дарёси Полимитет деб аталиб, дарё қумларидан олтин ювиб олинган. Бунинг учун қўй терилари(пўстак) дан фойдаланишган. Тери пўстакка ёпишган қум чўп-савагичлар билан ўралгач пастга тушган, олтин зарралари шу терига ёпишиб қолган.

Геродот ҳозирги Қизилқум ҳудудида яшаган массагетлар ҳақида куйидагича гувоҳлик берган: “...темир ва кумушни умуман ишлатмайдилар, сабаби, бу металллар уларнинг мамлакатларида йўқ, олтин ва мис эса мўлдилар” [1].

Антик давр географияси тарихининг таниқли намояндаси Страбон Марказий Осиё ҳақида маълумот бериб, Амударё ва Сирдарё халқлари темир нималигини билмасликлари, ҳар қандай металлдан кўра, у ерда олтин ва кумуш кўпроқ эканлигини, темир йўқлигидан от-улов, асбоб-анжомларнинг аксарияти кўп қисми олтин ва кумушдан ясалганлиги ҳақида ёзиб қолдирган.

Тарихни илмий тадқиқ этиш асосида ўлкамизда аجدодларимизнинг онг-у тафаккури билан яратилган осори-атиқалар, ноёб қоятош тасвирлари, қадимги манзилгоҳларнинг тарихий даврини аниқлаш, ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғолди ҳудудларидан 100 дан ортиқ қадимий қоятош суратлари бўлган жойлар мавжуд. Шулардан бири – Сармишсой қоятош ёдгорлигининг мазмуни, мавзуси, услуб хусусиятлари ва тузилишига кўра ранг-баранглиги билан дунёда этироф этилган бўлиб, Соймали тош, Ангара, Лена, Байкалорти, Амур, Урал, Карелия, шунингдек Африканинг Сахройи Кабир, Испания ва Франциядаги қоятошларга ишланган суратларидан сира қолишмайди.

Навоий вилояти Навбаҳор тумани Сармишсой табиий-тарихий ёдгорлиги, илк цивилизация ўчоқларидан бўлиб, инсоният тамаддунининг бошланғич нуқталаридан бири сифатида тавсифланади. Сармишсой қоятош тасвирлари табиий-тарихий ёдгорлиги Ватанимиз тарихининг хилма-хил ёдгорликлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди

Қоятошларда Зарафшон воҳасидаги бой ҳайвонот дунёси ва аجدодларимизнинг илк тасвирий санъат намуналари акс этган.

Ўзбекистондаги қоятош тасвирлари XIX асрнинг 30-йилларигача илм аҳлига маълум эмас эди. Ватанимиз ҳудудидаги мавжуд петроглифлар ҳақидаги дастлабки фактлар 1838 йилги маълумотларда учрайди. Шу йили

Россиядан Бухорога келган ва Қизилқумни ўрганган Н.Демезон ўз хисоботида Бўкан тоғидаги мавжуд қоятош тасвирлари ҳақида ёзган.

Сармишсой қоятош тасвирлари Х.Мухаммедов томонидан 1958 йил аниқланган [6].

Сармишсой Қоратоғнинг жанубий ёнбағрида, Навоий шаҳридан 40 км узоқликда жойлашган. Бу петроглифларни биринчи бўлиб Н.Тошкентбоев илмий тадқиқ этди.

1969 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институти қошида А.Кабиров бошчилигида республика қоятош расмларини ўрганиш махсус отряди тузилган. Бу отряд 1969–1972 йилларда Сармишсойнинг ўрта қисмида 6–7 км масофада унинг асосий расмлари жойлашган қисмини ўрганди ва атрофлича тадқиқ қилди.

Унинг “Сармишсой қоятош тасвирлари”, А.Сагдуллаев билан ҳаммуаллифликдаги “Ўрта Осиё археологияси” ва қатор илмий асарларида изланишлар натижалари ўз аксини топди [5].

Сармишсой тасвирларини Навоийлик ўлкашунос Б.Шалатонин ҳам 1960 йиллардан бошлаб тизимли ўрганган.

М.Хўжаназаров Сармишсой қоятош тасвирларини XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб ўрганиб келмоқда [5].

Таниқли олим томонидан Сармишсойда илгари маълум бўлмаган 66та қоятош суратлари аниқланиб, атрофлича ўрганилди.

2004 йилда Халқаро Археологик Экспедиция Сармишсойни ўрганишга киришдилар. Шу йил 9–10 октябрь кунлари Навоий шаҳрида “Сармишсой табиий-тарихий ва маданий меъросини асраб-авайлаш ва уни ўрганишнинг янги қирралари” мавзусида илмий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида Япония, Италия, Норвегия, Россия, Покистон, Озарбайжон, Қозоғизтон, Қирғизистон ва Тожикистондан ташриф буюрган мутахассис олимлар, археолог, петроглифист, биолог, эколог, геолог каби мутахассис экспертлар қатнашдилар.

Республикамизнинг тоғли туманларида мавжуд бўлган қоятош

тасвирларини алоҳида таъкидласак, Сармиштой қоятош тасвирларини ҳозиргача Ўзбекистонда маълум бўлган қоятош ёдгорликларининг гултожи дейиш мумкин. Қоялардаги расмлар галереясини ўтмиш аجدодларимиз томонидан қолдирилган “Зангори осмон остидаги музей” десак, муболаға бўлмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Герадот. История В 9-ти кн. /Перев Г.А. – Москва: Ладомир, ООО “Фирма” издательство АСТ, 1999.
2. Джўрақулова Д. Зарафшон водийсининг тош ва бронза даври маданияти. – Тошкент: Фан, 2011.
3. Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2006.
4. Муҳаммаджонов А. Қадимги Бухоро. – Тошкент: Фан, 1991.
5. Нарзуллаев У., Мустафоев Ж., Джунаев Ф., Тилавов Н. Навбаҳор тумани кеча ва бугун. – Навоий: Шаффоф, 2021.
6. Ўзбекистон моддий маданияти тарихи. 32-нашри. – Тошкент: Фан, 2001.